

Оила жамиятимизнинг бош бўғини

Н. Очилов, ТерДУ ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида: ”Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга”, (1.13) деб қайд қилинган. Чунки оила жамият ичидаги кичкина давлат бўлиб келган. Шу боисдан барча жамиятларда оилага ўзига хос муносабатда бўлинади. Оила-кишилар ҳаётининг энг муҳим қисми, жамиятнинг энг кичик ячейкаси, ижтимоий-иқтисодий, маданий, маърифий организмидир. Оила-кишиларнинг табиий-биологик, ҳуқуқий, маънавий муносабатларига асосланган бирликдир. “Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади” (2.13).

Оила масаласи мустақил Ўзбекистон шароитида муҳим аҳамият касб этади. Чунки, биринчидан, Ўзбекистон аҳолисининг деярли ярми – мактабгача ва мактаб ёшидаги ёшлардир. Иккинчидан, соғлом авлод ўстириш келажагимиз гаровидир. Мустақиллик муносабати билан Миллий Конституциямизга асосан ўзбекларнинг оилавий ҳаётида истибдод йилларида таъқиқ остида бўлган баъзи хусусиятларини тиклаш масаласи ҳозирги вақтда ҳам ҳал қилинмоқда. Масалан, тарихан ташкил топган ҳовлининг ички ва ташқи ҳовлига бўлиниши – халқнинг миллий руҳини, иймону-эътиқодини, тоату-ибодатини акс эттирган. Ҳовлиларнинг ички ва ташқига бўлиниши аёлларда фаросат ва малоҳат туйғуларини шакллантиришга, фарзандларнинг ҳар хил одамлар нигоҳидан йироқроқ бўлишга, ортиқча гап-сўзларни эшитмасликка, катталарнинг гапига аралашмасликка имкон берган. Айниқса, бу миллий одат тўй ва азаларни ўтказишда катта қулайликлар туғдирган. Оврўпа маданиятининг баъзида айрим кишилар томонидан тарғиб қилиниши оилавий тарбияда ҳам ўз аксини топди, миллий тарбиявий таъсирнинг камайишига ожизланишига олиб келди, маънавий қашшоқланиш кучайди.

Республикамиз миллий истиқлолга эришгач, халқимизнинг оилавий қадриятлари аста-секин тикланмоқда, сунъий равишда турмушга киритилган айрим оилавий маросимлар халқ назаридан қолиб бормоқда. Бундай урф-одатлар жамиятнинг асосий бўғини оилани мустаҳкамлашнинг қўшимча

йўлларида биридик. Ўзбекистон ҳукумати ва шахсан биринчи Президентимиз И.А.Каримов оила масалаларига доим диққат эътибор берганлар (Масалан, “Соғлом авлод учун” орденининг таъсис этилиши, кўп болали оналар учун қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш ва қатор шу каби тадбирлар). Давлатнинг оилага муносабати мамлакатимиздаги оилаларнинг мустаҳкамланишига, соғломлашишига кучли таъсир қилади, чунки оилаларнинг серфарзандлиги жиҳатидан Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида Тожикистондан кейин иккинчи ўриндадир. Ўзбек оиласининг бошқа оилалар билан ўхшашлиги, умумийлиги билан бир қаторда, унинг ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуд.

Ўзбек халқида никоҳ энг аввал арши аълода ўқилур, кейин эса ерда деган нақл беҳудага айтилмаган. Конституциямизга биноан “никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади”.³

Ота-боболаримизнинг азалий тушунчалари бўйича, никоҳ илоҳий аҳд, оила муқаддасдир. “Хотинларингиз зиёратгоҳингиздирлар”,(3.13) дейилади Қуръони Каримнинг “Бақара” сураси, 223-оятда (4.27). Бу сўзлар билан оила тузишда биринчи муддао-фарзанд кўриш эканига ишора қилинмоқда. Маълумки, ғоявий тарбия олиб боришнинг муҳим восита, объектларидан бирини оила ташкил қилади. Чунки ғоявий тарбиянинг бу жараёндаги бош мақсади оилада миллий ғоянинг оила аъзолари онги ва қалбига сингдириш ҳисобланади. Оилада болалар дунёга келади. Оила уларни улғайтиради, тарбиялайди.

Оилада болалар тарбиясида отанинг қаттиққўллиги, онанинг меҳрибонлиги ҳал қилувчи омиллардандир. Оиладаги умумий соғлом иқлим, муҳит, меҳр-муҳаббат, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, тинч-тотувлик, ота-онанинг билим савияси, иймон-эътиқодлилиги, дунёвий ва диний илм-маърифатдан хабардорлиги, нималарни биринчи даражада, нималарни охириги ўринда кўриши, етакчи ғояларнинг қаёққа йўналганлиги, пулга ва пулдорликка муносабати ва шу каби жуда кўпгина нарсаларга ҳам боғлиқдир.

Ҳозирги вақтда республикаимизда 30.2 миллиондан ортиқроқ аҳоли яшаса, шунинг 15 миллионга яқини эркаклар, 15 миллиондан ошиқроғини аёллар, хотин-қизлар ташкил қилади. Улар эса 4,5 миллионга яқин оилаларга

бирлашганлар. Деярли ҳар йили 250-300 минг янги оила республикамизда ташкил топмоқда. Миллатнинг давомийлиги учун масъул зот бўлмиш аёлларнинг маънавий, руҳий, ғоявий қиёфаси қайси томонга қараб ўзгармоқда-бу ҳаёт мамот масаласидир.

Маънавиятсиз, руҳиятсиз, ғоявийликсиз моддий фаровонликка ҳам, умумтараққиётга ҳам эришиб бўлмайди. Маънавий, руҳий, ғоявий қашшоқлик миллий таназулга олиб боради. Нохалол аёлдан халол фарзанд дунёга келмайди. Умуман нопок аёлни Она деб шарафлаб бўлмайди. Халқимизнинг “Қуш уясида кўрганини қилади”, “Онасини кўриб қизини ол” деган мақоллар беҳудага айтилмаган.

Ўзбек оиласининг ташқаридан сезилмайдиган ўзига хос ички қонун – қоидалари, ахлоқий мезонлари ҳам мавжуд. Аввало ўриндан барвақт туриш шарт. Ризқ-рўз тонгда улашилади, дейишадилар. Барвақт турилган куни иш, ўқишнинг унумли бўлиши ҳаммага маълум. Қолаверса, тонгги ҳаво мусаффо бўлади, кишининг соғлиги учун фойдали, кайфиятини ҳам тетик қилади. **Иккинчидан**, юз-қўлни ювмасдан ҳол-аҳвол сўралмайди; қўл-юз ювилганидан кейингина кичиклар катталарга салом берадилар. Аёллар нонушта ҳозирлайдилар. Қизлар, келинлар ҳовли-рўя, кўча эшиги олдини супуриб сув сепиб қўядилар. Бу иш кечқурун яна такрорланади. Нонуштага, умуман дастурхонга биринчи бўлиб оиланинг ёши улуғи қўл уради, табаррук нонни ҳам ушатади. Иш ёки ўқишга оиланинг ёши улуғидан дейлик, ҳаёт бўлса боболаридан, бувиларидан фотиҳа олиб кетилади. Қайтишда ҳам аввал уларга учрашилиб, салом берилади, ҳол-аҳвол сўралади. Улар бундай иззат-ҳурматдан мамнун бўлиб, ёшларни дуо қиладилар. Бир оғиз ширин сўз одамнинг чарчоғини ёзиб юборади, асабини жойига келтиради, руҳини тетиклаштиради. Одам одам бўлиб яратилганлигидан, оиласи борлигидан ғурурланади. Мана шунинг учун ҳам оилани роҳат-фароғат, тинчлик, хотиржамлик маскани дейдилар.. Шундай оилалар қанчалик кўп бўлса жамиятда ҳам барқарорлик фаровонлик йилдан-йилга ошиб боради

Юртимизда ибратли оилалар жуда кўп. Лекин “туручнинг курмаги арпанинг кесаги” деганларидек оилалар борки бу юртда ғоявий, тарбиявий

ишларни олиб бормаса имконнинг ўзи йўқ. Чунки шундай оилалар мавжудки, уларнинг айрим аъзолари турли бегона, ёт, зарарли ғоялар таъсирига берилиб кетган.

Шубҳасиз шуни қайд этиб ўтиш зарурки, миллий ғояни ёшлар онгига, қалбига сингдириш, аввало, оилада ҳар томонлама билимли, маънавий, жисмоний ва ақлий етук инсонларга боғлиқ. Бу эса ҳар бир юртдошимизнинг дунёқараши, эътиқоди, маънавиятига, оид кўникмаларни оилада тарбиялашни тақоза этади. Бинобарин, Конституциямизга, миллий мафкурамизга хос илк тушунчалар инсон қалби ва онгига, аввало, оила муҳитида сингади. Оила, унинг асрлар мобайнида сақланиб келаётган муқаддас анъаналари орқали ёшларда Ватанга муҳаббат, иймон-эътиқод, маъсулият, ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллатпарварлик, миллий ғурур, илмга иштиёқ ва маданият кўникмалари шаклланади. Зеро, ҳар бир фуқаро оиланинг жамиятдаги ўрни ва вазифасини, Ватаннинг остонадан бошланишини тушунмасдан туриб, ўзини мукаммал инсон деб ҳис қила олмайди.

Болаларда ёшлиқдан ҳалқ ва юрт тақдири учун фидойилик туйғусини шакллантириш оилавий, ғоявий тарбияда муҳим ўрин тутди. Бунинг учун бола ҳаётининг дастлабки йилларидан бошлаб, уни нарсалар олами билан таништиришнинг миллий анъаналаримизга хос шаклларини қўллаш лозим. Бу жараёнда миллий турмушимизга ёт бўлган “оммавий маданият”га тегишли бўлган нарсалардан имкон қадар фойдаланмаслик керак. Шарқона одоб ва башариятнинг эзгу интилишларини акс эттирувчи ўйинлар, ўйинчоқлар, расмий китобчалар, миллий эртақлар асосида яратилган мультфильмлар болаларда илк ёшлиқдан ғоявий қарашларнинг тўғри шаклланишига қулай имкониятлар яратади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.:”Ўзбекистон”,2012,13-б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.:”Ўзбекистон”,2012,13-б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.:”Ўзбекистон”,2012,13-б.
4. Қуръони Карим .-Т.:”Чўлпон”,1992, 27-б.